

## ШАХС КАМОЛОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСИҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Эрмат Файзуллаев,  
ЖДПИ Муסיқий таълим  
кафедраси доценти в/б.

**Аннотация:** Баркамол авлод тарбиясида муסיқанинг ўрни бекиёсдир.

Муסיқа бошқа санъат турларидан фарқли равишда, у инсоннинг энг нозик туйғуларини, хис-ҳаяжонини, инсондаги бой эмоция захираларини ишга солишга қодир мўжизали воситадир. Ушбу мақола мазмунида шахс камолотини шакллантиришда муסיқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан таҳлилий мулоҳазалар билдирилди.

**Калит сўзлар:** Муסיқа, тарбия, санъат, эстетик тарбия, эстетик ҳис-туйғу, бадий-ахлоқий маданият, шахс ва жамият, бадий дид.

Муסיқанинг инсон руҳиятига таъсир қилишининг тугалланмас имкониятлари ҳақида қадимдан муסיқашунослар, мутафаккирлар ва олимлар диққатини ўзига тортган. Файласуфлар, психологлар, педагоглар ва жамоат арбоблари санъатлар ичида муסיқа санъатининг инсонни шахс сифатида шаклланишига таъсир қиладиган хусусиятларини аниқлашга уринганлар. Қадим замонлардан муסיқанинг, айниқса, унинг компонентлари - ритм ва куйнинг инсон кайфиятига таъсири, унинг ички дунёсини ўзгартириши ҳақида фикрлар мавжуд бўлган.

Муסיқа санъати эстетик тарбиянинг муҳим омили сифатида шахс шаклланишига кучли таъсир этади. Оилада, боғчада, мактабда муסיқа машғулотларини мақсадга мувофиқ тарзда уюштириш, ёш авлоднинг ички дунёсини бойитиш ва санъатни тўғри тушунишдаги самарали йўлдир.

Муסיқа тарбияси эстетик тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Инсон шахсини шакллантирувчи етакчи омиллардан бири таълим-тарбиядир. Эстетик тарбия эса унинг таркибий қисми сифатида гўзалликнинг моҳияти, эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларнинг бирлиги, санъатнинг халқчиллиги тўғрисидаги таълимотга суяниб, ўқувчиларнинг объектив дунё ҳақидаги билимини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, ижодий қобилиятини ва

истеъдодини ўстиради ҳамда уларда юксак маънавий фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради.

Одатда, эстетик тарбиянинг мақсади болаларда эстетик ҳис-туйғу ва фикрларни ривожлантириш, гўзалликни кўра билиш ва улардан завқлана олишдан иборат, деб тушунилади. Аслида эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари бу билан чегараланиб қолмайди, ўқувчиларни гўзаллик ва хунукликни, юксаклик ва тубанликни, шодлик, кулфатни англаш ва кўра билишга ўргатади.

Эстетик тарбия умуминсоний ва миллий кадриятлар қарор топишига хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, хатти-ҳаракатларига, хулқ-атвориغا таъсир ўтказади. Мусиқа тили барчага тушунарли ва яқиндир. Мусиқа товуш товланишлари орқали фикр ва туйғуларни акс эттиради, ҳаёт босқичларида инсониятни тўлқинлантириб келган ахлоқий муаммоларни баён қилади.

Бунда мусиқанинг фалсафий моҳияти ҳам намоён бўлади. Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлади, мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгулик ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқа инсон ҳис-туйғуларини, орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини ўзига хос бадий тилда ифода этади ва кишининг ҳис-туйғуларига фаол таъсир этади.

Мусиқа ҳам фан, ҳам санъатдир. У физика ва математикага асосланади, бу фанлар мусиқани фанга айлантиради. Лекин мусиқа асарига шу фаннинг турғун тушунчаси сифатида қараб бўлмайди. Чунки мусиқа ҳар доим ривожланиб турувчи жонли санъатдир. Мусиқа санъати инсон ҳаётининг илк йиллариданоқ унинг ҳамроҳига айланиб, умумий маданий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Мусиқа инсон умрининг доимий йўлдоши. Олим Стендалнинг айтишига кўра, мусиқа-санъат турлари ичида инсоннинг юрагига чуқур кириб, унинг ички кечинмаларини акс эттиришга қодирдир.

“Муסיқа санъатнинг ифодали тури тизимига киради. Муסיқа ҳам воқеа-ҳодисаларни ифодали акс эттиради. Аммо у меъморчиликдаги каби фазо ва моддий ашё ўлчовлари билан белгиланмайди. Муסיқа кўриш орқали эмас, балки эшитиш воситасида идрок этилади. Муסיқа мавзуи ўз хусусиятига эга бўлиб, инсон ва воқеликдаги барча томонларни камраб ололмаганлиги учун, энг аввало, инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятини ифодалайди... муסיқа воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратади”.

Албатта муסיқа шахсни шакллантиришнинг, унинг ижобий фазилатларининг йўналишларини ўз-ўзидан белгилаб бермайди.

Тарбиявий таъсирнинг энг муҳим томонлари муסיқий асарнинг ғоявий мазмунига боғлиқдир. Ана шу билан муסיқий-эстетик тарбиянинг вазифалари белгиланади. Машхур поляк композитори К.Шимановский ўзининг “Жамиятда муסיқанинг тарбиявий аҳамияти” номли мақоласида, муסיқанинг табиий кучи ҳақида гапирар экан, унинг икки қарама-қарши йўналишда - яратиш ва бузиш учун ишлатиш мумкинлигини – “керакли ишга йўналтирган ҳолда, тез оқар дарёнинг сувларидан фойдаланиб, фойдали ва унумли ишлар учун, яъни тегирмонни айлантриш учун ишлатгандек, муסיқа кучидан ҳам унумли фойдаланиш керак”, - деган.

Муסיқанинг инсонга таъсири, шахсининг ва жамиятнинг руҳий ҳаётидаги ўрни комплекс муаммо ҳисобланади. Ушбу мураккаблик ва серкирралик фанга дарров келмади. Шу ўринда Асафевнинг “...муסיқа - бу ҳам санъат, ҳам фан, ҳам тил, ҳам ўйин” - деган сўзларини эслаш мақсадга мувофикдир.

Демак, талабаларнинг муסיқий ҳамда шахсий хусусиятларини шакллантиришда муסיқа санъатининг ўрни бекиёсдир. Муסיқа кишига ҳар томонлама таъсир кўрсатар экан: куй ва унинг муסיқий ифодаси кишининг ҳиссиётига чуқур таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қилади. қўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни

ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади. Кишиларда асарда акс этган маънавий муаммоларга нисбатан муайян муносабат уйғотади. Бундай таъсир ғоят мураккаб ва кучлидир.

Зеро, мусиқа ёш авлоднинг маънавий, бадий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, фикр дойрасини кенгайтиришга, ижодий маҳорати ва бадий диди ўсишига, мустақиллиги ва ташаббускорлигини тарбиялашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Юксак билимли интеллектуал авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги Халқаро Конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. “Халқ сўзи” 2012 йил 18 феврал.
2. Мамиров Қ. Мусиқа воситасида ёшларни ахлоқий-эстетик маънавият руҳида тарбиялаш. //Мусиқий таълим ва маънавият. Респ. Илмий-назарий конф.мат.тўплами. – Т.: Низомий ном. ТДПУ, 1998. – 3-5- б.
3. Ветлугина Н.А. Развитие музыкальных способностей дошкольников в процессе музыкальных игр. М.: АПН, 1988г., -247стр.
4. Соипова Д. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. Т.:Фан ва технологиялар нашриёти, 2005 й., -84 бет.
5. Файзуллаев Э.М.“Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришда ўзбек мумтоз мусиқаси имкониятларидан фойдаланиш” (методик қўлланма). Тошкент – 2008.